



ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВ (ИЖОДИЙ) ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Хидирова Зарина Абдухафизовна

Самарканд вилояти самарканда тумани 40 давлат мактабгача талим
ташкилоти директори

Аннотация: Мазкур мақолада мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ижодий фаолиятни ташкил этишига тайёрлашда юзага келувчи қийинчилик ва муаммолар, педагог шахсининг ўзига хосликлари билан боғлиқликда дуч келадиган қийинчиликлар, уларнинг фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш стратегиялари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: ижод, ижодкорлик, ижодий, репродуктив фаолият, касбий фаолият, касбий ривожланиши.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, иқтисодиётнинг турли соҳалари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган бўлиб, пировардида бугунги давр талабига жавоб бера оладиган таълим тизимни яратиш кўзда тутилди. Мактабгача таълим ташкилоти педагог ходимларидан кенг билимдонлик, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат, компетентлик ва ижодкорлик талаб этилади. Мактабгача таълим жараёнида инсонпарварлик омилини таъминлайдиган устозларнинг шахсий сифатларига қуйидагилар киради: талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмомалалик, креативлик. Ушбу сифатлар педагогнинг таълим-тарбия олувчилар учун аҳамиятини белгилаши керак. Зоро, шахсий сифатлар таълим ва тарбиялаш маҳоратига таъсир кўрсатади. Мактабгача таълим тизимида таълим сифати – тарбиячи ва ходимларнинг касбий ривожланиши тавсифи бўлиб, замонавий босқичида иқтисодий тараққиёт талабларига мос касбий фаолиятни муваффақиятли юритувчи мутахассис қобилияти ва иш фаолияти билан белгиланиши эътироф этилади. Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда таълим жараённинг барча шаклларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, тарбияланувчиларда дунёқараш, қобилиятни шакллантириш ва уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишидир. Тарбиячининг қўп қиррали



фаолияти ва унинг қобилияти, ижодкор ва фидоий бўлиши ҳамда шогирдларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан биридир. Педагогик маҳоратга эга бўлган педагог тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган нуфузли раҳбар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсини тушуна оладиган, уларнинг туйғуларини ҳис қила оладиган, ички дунёси нозик бўлган бола шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндашадиган, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, хаёл ва фантазия, чукур илмий тафаккурга эга бўлган шахслардир. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида креатив(ижодий) фаоллигини ривожлантириш таълим тизимининг долзарб вазифасидир. Бизнинг вақт - ўзгаришлар даври. Энди бизга ностандарт қарорлар қабул қила оладиган, ижодий фикрлай оладиган мутахассислар зарур. Афсуски, замонавий мактабгача талим ҳали ҳам билимларни ўзлаштиришга ижодий бўлмаган ёндашувни эҳтиёж сезмоқда. Янги нарсаларни ўрганиш, инсон ўз онгини шакллантиради ва онг ташқи дунёни мақсадли акс эттириш, ҳаракатларнинг дастлабки ақлий қурилиши ва уларнинг натижаларини олдиндан кўриш, шахс томонидан унинг воқелик билан муносабатларини тўғри тартибга солиш ва назорат қилишдир. Сўнгги йилларда педагогика фани таълим мақсади сифатида шахсга нисбатан камида иккита вазифани қўйди: 1) ижодкор шахсни тарбиялаш; 2)унда ўз ҳаётининг дизайнерини, алоҳида тарихий ижод субъектини тарбиялаш.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг креатив(ижодий) фаолиятини ташкил этиш ҳақида сўз кетганда, ижодкорликнинг ўзи нима эканлигини аниқлаш, сўнг ижодий фаолиятни ташкиллаштириш мезонини танлаш мақсадга мувофиқ. “Ижодкорлик тушунчаси кўпгина фанларнинг таҳлилий асоси саналади. Унинг маъноларини аниқлашда ушбу қобилиятнинг серқирра эканлиги муҳим ўрин тутади. Тушунча ўзида “ижодий муносабат”, “ижодий фаолият”, “ижодий меҳнат”, “ижодкор шахс”, “ижодий ўзига хослик” каби маъноларни мужассам этади. XIX аср охирида кўпгина файласуфлар томонидан ижодкорлик тушунчасига оид қарашлар илгари сурилган бўлиб, ҳар бирида ўзига хос индивидуаллик ва тафаккурнинг турфалиги сезилиб туради. Бинобарин, ижодкорлик “ижтимоий аҳамиятга эга янги моддий ва маънавий қадриятларни яратувчи инсон фаолиятидир” “Ижодкорлик – бу қарама-қаршиликларни бартараф қилишга йўналтирилган инсон фаолияти кўринишларидан бири бўлиб, унинг учун объектив (ижтимоий, ахлоқий) ва субъектив шахсий шарт-шароит (билим, кўнишка, ижодий қобилият) кабилар зарур, унинг натижаси янгилик ва тараққийпарварлик касб этади. Инсоният ижодиётнинг субъекти сифатида ўзини англаши ижодкорлик муаммоси ва тушунчаларини кўриб чиқишининг янги йўналишларини белгилади. Ижодий педагогик фаолиятнинг кейинги моҳиятли тавсифи учун “креативлик” – ижодкорлик тушунчасига мурожаат қилиш зарур, бу эса кўриб чиқилаётган



категориянинг марказий ҳаволаси саналади. Креативлик назариясини ишлаб чиқувчилардан бири Е.П.Торренс бўлиб, у креативликни муаммоларга, билимнинг етишмаслиги, уларнинг ҳамоҳанг эмаслиги, номувофиқлигига нисбатан таъсирчанликнинг пайдо бўлиш жараёни сифатида белгилайди; Дж.Гилфорд ўзининг модели асосида креативликнинг тўрт омилини ажратиб кўрсатади: ўзига хослик, семантик мослашувчанлик, образли мослашувчанлик ва семантик ўз-ўзидан юзага келадиган мослашувчанлик тарбиячиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишга доир методик таъминотнинг етарли эмаслиги; – таълим жараёнида муатахасисиларни ижодий фаолиятга йўналтириш билан бир қаторда коммуникатив компетентлилигини ривожлантириш ҳамда соҳага оид янгиликларни ўзлаштиришга қаратилган семинар-тренинг ва мастер классларни ўтказишга аҳамият берилмаётганлиги; – ижодкорликка оид топшириқ ва машқларни бажаришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича билим, кўнишка ва малакаларни шакллантиришга эътибор қаратилмаётганлиги ва ҳ.к. Тарбиячиларнинг ижодий фаолиятида юзага келувчи қийинчилик ва муаммоларнинг объектив шарт-шароитларига қўйидагиларни киритиш мумкин: а) етарли методик таъминотга эга бўлмаслик; б) фаолиятини баҳолашдаги юзакилик; д) иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши. Куйидагилар тарбиячи педагог шахсининг ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликлар қаторини ташкил қиласди: – педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги; – фаолиятини соҳадаги ислоҳотларга узвийлик ҳолда ўзгартиришга имкон бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши; – салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўрқув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқалар). Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларнинг фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қуйидаги стратегияларга асосланишни талаб этади:

- 1) касбий ривожланиш (конструктив стратегия);
- 2) психологик муҳофаза (ҳимоя стратегияси);
- 3) касбий деформация (деструктив стратегия).

Маҳоратли педагоглар учун қийинчиликлар инновация тўсиқларини енгиб ўтиш билан чамбарчас боғлиқ. Педагогик фаолиятда дуч келинадиган тўсиқлар кўпинча педагог фаолиятини чегаралаб қўйиш кўринишида намоён бўлади. Тарбиячи шахсида ижодий фаоллик кўникмасининг орттирилиб борилиши улар томонидан амалга ошириладиган фаолият турларида акс этади. Ижодий фикрлаш ижодий фаолиятга йўналтирувчи бош мезондир. Талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг асосий компонентларини тадқиқ қиласган Г.Эргашеванинг қайд этишича, “жамоадаги маънавий психологик иқлим ижодий муҳит яратишга йўналтирилган бўлиши, ижодга салбий таъсир кўрсатадиган омилларни баратарф этиши лозим. Қулай психологик муҳит қуйидагилар билан



тавсифланади: барча талабаларда ижодий жараённинг ортиши, стереотипларнинг эркинлиги, муҳокамаларнинг нокулай бўлмаслиги, ташаббуси ва мустақиллиги, ижодий касбий фаолиятга қизиқиш ва тайёрлиги". Албатта, бу жиҳатларга эътибор қаратишда талабалардаги яққол кўзга ташланадиган хусусиятларга асосланиш, индивидуал имкониятларини кўзда тутиш ва рағбатлантириш зарур. Бизнингча, жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, мусобақалашиш, куч синашиш имкониятини бериш уларда ижодий ғояларни қўллаб-қувватлашга мотивация уйғотади. Ижодкорлик натижаси фақат қандайдир маҳсулотни яратишда эмас, балки ижодкор субъектигининг ўзини ривожлантиришида, яъни инсоният фаолияти шаклларида амалга ошириладиган тараққиётида намоён бўлади. Фикримизча, тарбиячининг креативлигининг асоси бўлиб касбига нисбатан қизиқиши, маҳоратини ифодаловчи ички мотивацияси, ирода соҳасининг ривожланганлиги ва тубдан ўзгарган фаолиятга интилиши ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амирова Г. Болалар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг оптималь йўллари // Узлуксиз таълим. – Т., 2015. – № 5.
2. Философский словарь [Текст] / под ред. И.Т.Фролова. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Политиздат, 1991.
3. Педагогика: педагогические теории, системы, технологии [Текст]: учеб. для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений / С.А.Смирнов, И.Б.Котова, Е.П.Шиянов [и др.]; под ред. С.А.Смирнова. – 4-е изд., испр. – М.: Изд. центр «Академия», 2000.
4. Эргашева Г. Талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг асосий компонентлари // Халқ таълими. – Т.: 2017.
5. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Т.: Фан, 2009.
6. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз (1-жилд). – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
7. Загвязинский, В.И. Педагогическое творчество учителя [Текст]: пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.И.Загвязинский. – М.: Педагогика, 1987.